

**ПНЕВМОПАТИЯ ОҚИБАТИДА ЎПКАДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МОРФОМЕТРИК
ШИКАСТЛАНИШ ВА ГИПОКСИЯ БЕЛГИЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛI**

Абдуллаева Нуржон Җурабой қизи

ассистент, Андижан Давлат Тиббиёт институти.

abdullaeva.lucmira@gmail.com

Маматалиев Авазбек Рўзиевич

т.ф.н., доцент., Андижан Давлат Тиббиёт институти, Ўзбекистон.

dr.mamataliyev66@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16935835>

Кириш

Пневмопатиялар ўпка тузилмаларига, хусусан алвеоляр септа ва капилляр таркибида жиддий таъсир кўрсатади. Бу касалликлар нафас олиш функциясининг бузилиши, газ алмашинувининг пасайиши ва тўқималарда гипоксиянинг ривожланишига олиб келади.

Алвеоляр тузилмалардаги морфометрик ўзгаришлар ва гистологик шикастланишлар пневмопатиянинг патогенезини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, улар клиник кўрсаткичлар ва касалликнинг даволаш стратегиясини белгилашда асосий роль ўйнайди. Микроскопик ва морфометрик таҳлиллар орқали алвеоляр септа қалинлиги, алвеоляр ҳажм ва капилляр таркибидаги ўзгаришлар аниқланиши мумкин, бу эса пневмопатија оқибатларини баҳолаш ва касалликни прогноз қилиш учун зарур илмий асосни тақдим этади.

Тадқиқот мақсади

Пневмопатия таъсирида ўпкадаги алвеоляр тузилмаларда юзага келадиган морфометрик шикастланиш ва гипоксия белгиларини аниқлаш, уларнинг алвеоляр септа, капилляр таркиби ва тўқима структурасига таъсирини таҳлил қилиш орқали касаллик механизмларини чуқурроқ тушуниш ва клиник ҳамда терапевтик ёндашувларни такомиллаштириш.

Материал ва усууллар

Тадқиқот республика Патологик Анатомия марказида ўтказилди. Тадқиқот обьекти сифатида 2020–2024 йилларда пневмопатия билан оғриган 50 беморнинг олинган ўпка тўқималари танланди. Назорат гурухи сифатида 20 соғлом ўпка тўқималари қўлланилди.

Тўқималар стандарт гистологик ва гистохимиявий усууллар асосида тайёрланди.

Алвеоляр септа, капилляр таркиби ва тўқима структурасининг гистологик ўзгаришлари микроскопия ёрдамида баҳоланди. Морфометрик таҳлиллар орқали септа қалинлиги, алвеоляр ҳажм ва капилляр зичлиги ўлчанди. Олинган маълумотлар статистик усууллар билан таҳлил қилинди ва пневмопатија билан боғлиқ патоморфологик ўзгаришлар аниқланди.

Тадқиқот натижалари

Микроскопик ва морфометрик таҳлиллар натижасига кўра, пневмопатия таъсирида алвеоляр тузилмаларда сезиларли морфологик ўзгаришлар аниқланди. Алвеоляр септа қалинлиги ўртача $12,5 \pm 0,8$ мкм бўлиб, назорат гурухга нисбатан 35% га ошгани кўрилди (назорат: $9,3 \pm 0,6$ мкм).

Алвеоляр ҳажм ўртача $0,043 \pm 0,005 \text{ mm}^3$ ни ташкил этган бўлиб, соғлом тўқималарга нисбатан 22% камайган (назорат: $0,055 \pm 0,004 \text{ mm}^3$). Капилляр зичлиги ҳам сезиларли даражада ўзгарган – ўртача $185 \pm 12 \text{ капилляр/mm}^2$, назоратда эса $230 \pm 15 \text{ капилляр/mm}^2$.

Гистологик таҳлиллар гипоксия ва интерстициаль шикастланиш белгиларини кўрсатди. Алвеоляр септада лимфоид инфильтратлар, атрофияланган хужайралар ва нотекширланган капиллярлар аниқланди. Шунингдек, микроциркуляция айrim миintaқаларда бузилгани кузатилди. Бу натижалар пневмопатија билан боғлиқ патоморфологик ўзгаришларнинг клиник аҳамиятини тасдиқлади ва газ алмашинуви ҳамда нафас олиш функциясига таъсирини кўрсатади.

Хуроса

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, пневмопатија алвеоляр тузилмаларда сезиларли морфометрик ва гистологик ўзгаришларга олиб келади. Алвеоляр септа қалинлашиши, алвеоляр ҳажмнинг камайиши ва капилляр таркибининг нотекширланиши газ алмашинуви ва тўқима гипоксиясига салбий таъсир кўрсатади. Гистологик таҳлиллар лимфоид инфильтратлар, атрофияланган хужайралар ва интерстициаль шикастланишларни аниқлаб, пневмопатија механизмини чуқурроқ тушуниш имконини берди. Бу натижалар клиник диагностика ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, алвеоляр тузилмаларнинг патоморфологик ҳолатини баҳолашнинг илмий ва амалиётдаги аҳамиятини тасдиқлади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Касимов Ш.А., Абдуллаева Н.Ж. Пневмопатијаларда ўпка тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришлар. – Тошкент: Тиббиёт журнали, 2022; №3: 45–50.
- Маматов Р.Б., Маматаалиев А.Р. Патологик анатомияда алвеоляр тузилмаларнинг гистоморфологик таҳлили. – Андижон: Илм-фарҳанг нашриёти, 2021.
- Ганиев А.К., Содиков Ш.И. Ўпкадаги гипоксиянинг морфологик қўринишлари ва уларнинг клиник аҳамияти. – Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий ахбороти, 2020; №2: 63–68.
- Kumar V., Abbas A.K., Aster J.C. Robbins & Cotran Pathologic Basis of Disease. – 10th ed. Philadelphia: Elsevier, 2020.
- Weibel E.R. Morphometry of the Human Lung. – Berlin: Springer, 2019.
- Barnes P.J., Drazen J.M., Rennard S.I., Thomson N.C. Asthma and COPD: Basic Mechanisms and Clinical Management. – 2nd ed. London: Academic Press, 2017.